

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 50**

**МАВЗУ: ЎМРОВ ОСТИ АРТЕРИЯСИ**

**Кафедра мудири: Х.А.Расулов**

**Тошкент 2009**

## 50- амалий машғулот (15-маъруза)

### Мавзу: Ўмров ости артерияси

#### Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга ўмров ости артериясининг тузилиши, тармоқлари ва қон билан таъминлаш соҳаларини тушинтириш.

#### Вазифалар:

- ўмров ости артерияси тармоқларини ўзбекча ва лотинча номларини ўргатиш

- ўмров ости артерияси тармоқларининг қон билан таъминлаш соҳаларини кўрсатиш

#### Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи ўмров ости артериясининг тузилиши, тармоқлари ва қон билан таъминлаш соҳаларини ва одам организмидаги аҳамиятини тушинтириб беради. Бу артериялар шикастланганда кўрсатилгандиган ёрдамни ўргатади.

ўмров ости артерияси (a. subclavia) ўнг томонда елка-бош поясидан, чап томонда бевосита аорта равоғидан бошланади. Шунинг учун чап ўмров ости артерияси ўнгидан узунроқ. ўмров ости артерияси кўкрак бўшлиғининг устки апертурасидан чиқиб, нарвонсимон мушак оралиғидан ўмров остига ўтиб, I қовурғанинг шу номдаги эгатида ётади. I қовурғанинг ташқи чеккасидан қўлтиқ ости чуқурчасига ўтади ва қўлтиқ ости артериясига давом этади. ўмров ости артерияси шартли равишда уч қисмга бўлиниб ўрганилади. 1.Бошланган жойдан олдинги нарвонсимон мушакнинг олдинги чеккасигача. 2. Нарвонсимон мушаклар оралиғи. 3.Нарвонсимон мушак оралиғидан то I қовурғанинг латерал чеккасигача.

ўмров артериясининг биринчи қисми тармоқлари:

I.Умurtқа артерияси (a. vertebralis) VII бўйин умurtқаси соҳасида чиқиб, VI бўйин умurtқасининг кўндаланг тешигига киради. Сўнгра артерия бўйин умurtқаларининг кўндаланг тешиклари орқали йўналиб, атлантдаги ўз номидаги эгатдан ўтади. Калланинг катта тешиги орқали калла ичига киради ва кўприкнинг орқа чеккасида иккала артерия ўзаро бирикиб асосий артерияни ҳосил қилади. Асосий артерия кўприкда ўз номидаги эгатда ётади ва кўприкнинг олдинги чеккасида ўнг ва чап бош мианинг орқа артерияларига бўлинади. Умurtқа артериясидан қуйидаги тармоқлар чиқади: 1.r.r. spinales умurtқалараро тешикдан орқа миёга. 2.r.r. muscularis бўйиннинг чуқур мушакларига. 3.Орқа мианинг орқа артерияси пастга томон йўналиб, орқа мианинг орқа юзасидан пастга томон тушади. 4.Орқа мианинг олдинги артерияси қарама-қарши томондаги шу номли артерия билан қўшилиб, олдинги ўрта ёриқ бўйлаб пастга йўналади. Бу ерда олд томонда умurtқа артерияларини, орқа томонда орқа мианинг олдинги артерияларини ўзаро қўшилишидан яна бир артериал ҳалқа (Захарченко

ҳалқаси) ҳосил бўлади. 5.Миячанинг орқа пастки артерияси миячанинг орқа пастки қисмларига тарқалади.

Асосий артериядан қуйидаги артериялар чиқади: 1.Миячанинг олдинги пастки артериялари миячанинг пастки юзасига тарқалади. 2.а.а. labyrinthi ички эшитув йўли ва ички кулоққа. 3.а.а. pontis кўприкка. 4.а.а. mesencephalici ўрта мияга. 5.а. cerebelli superioris миячанинг юқори юзасига. Бош миянинг орқа артерияси бош миянинг чакка ва энса бўлаклари пастки юзасига тармоқлар беради. Бош миянинг орқа артерияси ички уйқу артериясининг орқадаги қўшувчи артерияси билан қўшилиб артериал ҳалқа ҳосил қилади.

II.Кўкрак қафасининг ички артерияси (a. thoracica interna) тўш суягининг чеккасидан 1-1,5 см ташқарида I-VII қовурғаларнинг тоғайи бўйлаб пастга тушади ва VII қовурғанинг пастки чеккасида мушак-диафрагма ва қорин устининг устки артериясига бўлинади. Ундан қуйидаги тармоқлар чиқади: 1.r. mediastinales медиастнал плеврага ва олдинги кўкс оралиғи клетчаткасига. 2. r. thymici айрисимон безга. 3.а. pericardiacophernica перикардга ва диафрагмага. 4.r.r. sternales тўшга. 5.r.perforantes катта кўкрак мушаги ва териға, аёлларда сут безларига r. mammarii. 7.r.r. intercostales anteriores юқоридаги 5 та қовурғалараро мушакларга. Кўкрак қафасининг ички артериясининг охирги шохларидан а. musculophrenica ташқи томонга ва пастга диафрагмага йўналиб, пастки 5 та қовурға оралиғига шохлар беради. қорин устининг устки артерияси (a. epigastrica superior) қорин мушакларини қон билан таъминлайди ва киндик соҳасида шу номли пастки артерия билан анастомоз ҳосил қилади.

III.қалқонсимон-бўйин пояси (truncus thyrocervicalis) олдинги нарвонсимон мушакни медиал чеккасидан бошланиб, 4 та шохга бўлинади: 1.қалқонсимон безнинг пастки артерияси (a. thyroidea inferior) қалқонсимон безнинг бўлақларини қон билан таъминлайди. Ундан ҳалқумга, қизилўнгачга ва кекирдакка шохлар ва ҳиқилдоқ мушаклари ва шиллиқ пардасига боровчи а. laryngea inferior чиқади. 2.Кўтариловчи бўйин артерияси (a. cervicalis ascendens) бўйин чуқур мушаклари ва орқа мияга тармоқлар беради. 3.Курак усти артерияси (a. suprascapularis) орқа томонга курак ўймасига йўналиб, ўсиқ усти ва ўсиқ ости мушакларини қон билан таъминлайди. 4. Бўйиннинг юза артерияси (a. cervicalis superficialis) юқорига кўтарилиб нарвонсимон, трапециясимон, ромбсимон ва орқанинг юқориги тишсимон мушакларни қон билан таъминлайди.

ўмров ости артериясининг иккинчи қисмидан қовурға-бўйин пояси (truncus costocervicalis) нарвонсимон мушаклар оралиғидан бошланиб, икки шохга бўлинади: Бўйиннинг чуқур артерияси бўйин ва бошнинг ярим қиррали мушакларини қон билан таъминлайди. Энг юқори қовурғалараро артерия пастга йўналиб юқорига иккита қовурға оралиғини қон билан таъминлайди.

ўмров ости артериясининг учинчи қисмидан бўйиннинг кўндаланг артерияси олдинги нарвонсимон мушакнинг ташқи чеккасида бошланиб, икки шохга бўлинади: а) r. superficialis куракни кўтарувчи, бўйиннинг

тасмасимон ва трапециясимон мушакларга. б) г. profundus пастга йўналиб ромбсимон, орқанинг юқориги тишсимон, курак ости ва орқанинг кенг мушакларига тарқалади.

ўмров ости артериясининг диаметри бола туғилганидан тўрт ёшгача бўлган даврда тез ўсади. Унинг тармоқларидан бири умуртқа артериясининг болаликнинг айрим даврларида бир текис ўсмай, ўсмирлик даврида уч мартага яқин катталашиб кенглиги ўртача 3 мм, узунлиги 27 мм бўлади. ўнг ва чап умуртқа артерияларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган асосий артериянинг ўлчамлари турли даврларда турлича ўзгариб, ўсмирлик даврида кенглиги 3,2 мм, узунлиги 3 см га етади. Унинг охириги тармоғи бўлган миянинг орқа артериясини кенглиги ҳомила ҳаётининг иккинчи ярмида 0,9 мм бўлса, ўсмирлик даврида 2,54 мм. Унинг узунлиги эса бу даврларда ўртача 4,25 см ва 8,7 см бўлади.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўллаймиз. Учта кичик гуруҳга биттадан савол берамиз. 1.ўмров ости артериясининг қисмлари ва умуртқа артерияси тармоқлари ва қон билан таъминлаш соҳаси. 2 кўкрак ички ва қалқонсимон – бўйин пояси тармоқлари ва қон билан таъминлаш соҳалари. 3.ўмров ости артериясининг II ва III қисми тармоқлари. Жавоблар доскада ёзилади. Кейин гуруҳлар алмашиб бошқасини хатосини тўғрилайди ва тўлатади. Кимнинг хатоси кам тўғриланса, у тўғри хисобланади. Гуруҳлардаги барча талабаларга бир хил баҳо қўйилади.

#### Тест саволлари

1. ўмров ости артерияси ўнг ва чап томонларда қайси қон томирдан бошланади?

- А. чапда truncus brachiocephalicus, ўнгда-arcus aortae
- Б. чапда-arcus aortae, ўнгда-truncus brachiocephalicus
- В. чапда-aorta ascendens, ўнгда-aorta descendens
- Г. чапда-aorta ascendens, ўнгда-arcus aortae
- Д. чапда-aorta descendens, ўнгда-arcus aortae

2. ўмров ости артериясининг 1 қисми тармоқлари қайсилар?

- А. a. vertebralis, a. spinalis anterior
- Б. tr. costocervicalis, tr. thyrodervicolis
- В. a. thoracica interna, a. thyroidea interna
- Г. a. thoracica interna, tr. thyrocerviceus
- Д. a. vertebralis, a. basillaris

3. A.subclavia ни нечта бўлимга ажратиб ўрганилади?

- А. 2            Б. 3            В. 4            Г. 5            Д. 6

4. a. vertebralis тармоқлари

- А. r. r. spinalis, a. spinalis posterior
- Б. a. basillaris, a. spinalis anterior
- В. a. spinalis anterior, a. spinalis posterior

Г.а.cerebelli inferior posterior, а.basillaris  
Д.а.thoracica interna, r.r.spinalis

5.а. basillaris тармоғи  
А.а.cerebelli superioris  
Б.а.spinalis anterior  
В.а.spinalis posterior

Г.а.cervicalis ascendens  
Д.а.intercostalis

6.truncus thyrocervicalis тармоғи  
А.а.spinalis posterior  
Б.а.thyroidea superior  
В.а.thyroidea inferior

Г.а.cerebri posterior  
Д.а.cerebelli posterior inferior

7.а. thoracica interna тармоғи  
А.а.epigastrica superior  
Б.а.thyroidea superior  
В. а.thyroidea inferior

Г.а.cerebri posterior  
Д.а.cerebelli posterior inferior

8.truncus costacervicalis тармоғи  
А.а.cervicalis superficialis  
Б.а.cervicalis profunda  
В. а.epigastrica superior

Г. а.thyroidea superior  
Д. а.thyroidea inferior

9.а.transversa coli тармоғи  
А. а.thyroidea superior  
Б. а.thyroidea inferior  
В. а.cerebri posterior

Г. а.cerebelli posterior inferior  
Д.г.superficialis

Топшириқлар:

1. ўмров ости артерияси тармоқларининг лотинча номларини билиш
- 2.ўмров ости артерияси тармоқларини қон билан таъминлаш соҳаларини кўрсатиб бериш
3. ўмров ости артерияси тармоқларини болалардаги хусусиятларини билиш
- 4.Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси  
Аъзонинг номи: ўмров ости артерияси

| Терминлар |         |       | Аъзо қисмлари | Аъзонинг фаолияти |
|-----------|---------|-------|---------------|-------------------|
| лотинча   | ўзбекча | русча |               |                   |

Баҳолаш мезони:

| Балл   | Баҳо       | Талабанинг фан бўйича билим даражаси                                                                                                                             |
|--------|------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 86-100 | Аъло       | Талаба ўмров ости артерияси тармоқларини лотинча номларини айтиб, қон билан таъминлаш соҳасини тушунтира олса, уларни одам организмидаги аҳамиятини айтиб берса. |
| 71-85  | Яхши       | Талаба ўмров ости артерияси тармоқларини лотинча номларини айтиб, қон билан таъминлаш соҳасини тушунтира олса.                                                   |
| 55-70  | қониқарли  | Талаба ўмров ости артерияси тармоқлари ҳақида тасаввурга эга бўлса.                                                                                              |
| 0-54   | қониқарсиз | Талаба ўмров ости артерияси тармоқлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.                                                                                       |

### Жорий назорат саволлари

1. ўмров ости артерияси неча қисмга бўлиб ўрганилади?
2. ўмров ости артериясининг биринчи қисми тармоқлари?
3. Умуртқа артерияси тармоқлари қайсилар?
4. Асосий артериянинг тармоқлари қайсилар?
5. Кўкрак қафасининг ички артерияси тармоқлари қайсилар?
6. қалқонсимон-бўйин пояси тармоқлари қайсилар?
7. ўмров ости артериясининг иккинчи қисми тармоқлари ?
8. ўмров ости артериясининг учинчи қисми тармоқлари?
9. Захарченко ҳалқаси қандай ҳосил бўлади?

Машғулотнинг таъминланиши

Калла суяги, скелет, ўмров ости артерияси чизмаси.